УДК 361.8

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАЛАРИ (1960 – 1980 ЙИЛЛАР)

Э.А.Тажимирзаев

Мақолада 1960 – 1980 йилларда Фарғона водийси қишлоқларидаги ижтимоий таъминот масалалари ёритилиб берилган. Хусусан, қишлоқ аҳолиси фарзандлари учун тўловлар, ҳомиладор аёллар ва туғуруқ даври нафақалари, кексалик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ нафақалар миқдори ва уларни беришга доир тартиб-қоидалар, ижтимоий таъминот масаласига оид қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси бўйича жараёнлар архив материаллари ҳамда илмий адабиётлар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *ижтимоий таъминот, пенсия, пенсионер, нафақа, район, қишлоқ, озиқ-овқат, колхоз, совхоз, даромад.*

В статье освещены вопросы социального обеспечения в кишлаках Ферганской долины в 1960 – 1980 годы. В частности, проанализированы размеры детских пособий сельскому населению, выплаты беременным женщинам, пособий на период родов, пенсий по старости, по потери кормильца, порядок и правила их выдачи. Также, на основе архивных материалов и научной литературы освещены нормативные документы по вопросам социального обеспечения и процессы по их исполнению в данном регионе.

Ключевые слова: *социальное обеспечение, пенсия, пенсионер, пособие, район, кишлак, продовольствие, колхоз, совхоз, доход.*

Ижтимоий таъминот инсон ҳуқуқларидан бири бўлиб, у қашшоқликка йўл қўймаслик ва умр бўйи ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ва дастурлар йиғиндисидан иборат. Ижтимоий таъминот болалар тўловлари, ҳомиладор аёллар ва туғуруқ, ишсизлик, касаллик билан боғлиқ нафақалар, кексалик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ нафақаларни ўз ичига олади.

Қадимдан ўлкамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилмоқда. Пенсионерлар, имконияти чекланган кишилар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласи 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган муҳим ижтимоий вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи банди “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устивор йўналишлари” деб номланиб, унинг 4.1-бандида аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш; аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилаларни ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада қисқартириш; бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларига нисбатан жадал миқдорда босқичма-босқич ошириш; 4.2-бандида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш; аҳолининг мажбурий ижтимоий кафолатларини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш; пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳоли бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш [1] каби масалалар ўрин олган.

Бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларни такомиллаштиришда совет ҳокимияти йилларида аҳолининг кенг қатламларига татбиқ этилган ижтимоий таъминотнинг умумий аҳволини таҳлил этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда ижтимоий фондлар кўпайиб борган. Ижтимоий фондларнинг кўпайиши бепул тиббий хизмат кўрсатиш, пенсиялар ва турли нафақалар тўлаш, пуллик меҳнат таътиллари бериш ва шу ка-

билар учун қилинаётган харажатлар миқдорининг мунтазам ошиб боришини таъминлаган. Хусусан, 1958 йил июль ойида давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги янги Қонун қабул қилинди [2. Б. 399]. Қонунга мувофиқ Ўзбекистонда пенсионерлар миқдори анча оширилди. Республикада 1959 йилда 428 минг киши давлат пенсиясини олган бўлса, 1965 йилда бу миқдор 643 минг кишига етди [2. Б. 399]. Қонуннинг қабул қилиниши колхоз, совхоз ва бошқа ташкилотлар билан шартнома асосида маҳсулот етиштириш учун куч сарфлаётган оилалардаги ишсиз хотин-қизларнинг фарзанд тарбияси учун кетган вақти уларнинг меҳнат стажига кирадиган бўлди. Бу ҳам қишлоқ аҳолиси турмуш даражасига сезиларли фаровонлик олиб келди [3. Б. 5].

Пенсия тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши республика қишлоқларида яшовчи аҳоли қатламига ҳам бир қатор имтиёзлар берди. Бу борада ҳукумат бир қатор фармонлар чиқарди. ЎзССР Министрлар Совети 1962 йил 9 ноябрда қабул қилган ерлари колхоз ерларига ва бошқа ташкилотларга ўтиб кетган колхоз аъзоларига ойлик нафақалар белгилаш ва тўлашни тартибга солиш тўғрисидаги қарорда шаҳарларда яшовчи кишиларга 10 рубль ва қишлоқларда яшовчи кишиларга 8 рубль 50 тийин миқдорида давлат бюджетидан нафақа бериш белгиланган [3. Б. 15]. Агар бундай пенсия ва нафақа тайинланган колхозчилар бошқа районга ёки шаҳарга, шунингдек, бошқа республикалардан Ўзбекистонга яшаш учун келган бўлса, уларга нафақа бериш давом эттирилган.

1959 – 1965 йилларда Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва районларида, шунингдек, корхоналарнинг кўпчилигида пенсионерлар совети ва пенсия комиссиялари тузилди. Булар пенсияга чиқадиган ишчи ва хизматчиларга кўмаклашиб, уларнинг пенсия олишига тааллуқли ишларни расмийлаштириш ва моддий-маиший шароитларини яхшилашга ёрдам берган. Шу билан бир вақтда, республика колхозларида ўзаро ижтимоий ёрдам кассалари тузилди, уларга колхозчиларнинг 27 фоизидан кўпроғи аъзо бўлиб кирди. 1960 йилнинг ўзидаёқ шу кассаларнинг маблағлари 2 миллион рублдан ошиб кетди [2. Б. 399 – 400].

1962 йилга келиб, Ўзбекистон ССРда II Жаҳон уруши ногиронлари ҳамда кекса колхозчилар ва урушда вафот этган кишилар оиласига, етим болаларига колхозчилар ижтимоий ёрдам кассалари орқали маблағлар ажратилган. Ушбу кассалар маблағларидан пенсионер колхозчилар учун уйлар қурилди ва таъмирланди, шунингдек, колхозчиларнинг санатория ва курортларда даволанишлари учун, болаларини санатория ва лагерларга жўнатиш учун путёвкалар ажратилди. Республикадаги 914 колхоздан 814 тасида колхозчилар ижтимоий ёрдам кассалари ташкил этилган. Бу кассаларга жами колхозчиларнинг 43,9 фоизи аъзо бўлган [5. В. 76]

1960 йилларнинг бошида колхозлараро советлар ташкил қилиниб, улар ҳам қишлоқ хўжалиги артеллари аъзоларига пенсия тўлашни амалга оширган. 1963 йилда республикада 33 та колхозлараро совет фаолият олиб борган. Жумладан, Фарғона вилоятида 30 та колхозни ўзида бирлаштирган 3 та, Андижон вилоятида 52 та колхозни бирлаштирган 6 та колхозлараро советлар мавжуд эди. Республика бўйича 57829 киши колхозлараро совет орқали пенсия олган. Колхозлараро советлар пенсияни почта муассасалари орқали тегишли шахсларга етказиб берган. Улар аксарият ҳолда пенсияни ўз вақтида тўлаган. Колхозчиларга пенсия тўлашдаги камчиликлардан бири пенсия олиш ҳуқуқи бўлган колхозчиларнинг тизимли равишда ҳисобга олинмаслигида эди. Пенсия ёшидаги кўпчилик кишиларга пенсия белгиланмаган эди. Маълумотларга кўра, 1963 йилда 223625 нафар колхозчи пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлсада, фақат 141687 нафар колхозчига пенсия белгиланган, 81938 нафар колхозчига пенсия умуман белгиланмаган. Пенсия белгиланган кишиларнинг ҳаммаси ҳам амалда пенсия олишмаган, пенсия белгиланган 141687 нафар колхозчилардан 5320 нафари амалда пенсия олмаган [5. В. 82].

1953 йилгача колхозларда пенсиялар белгиланмаган. Колхозчиларга ижтимоий ёрдам маҳсулотлар, жумладан, буғдой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари кўринишида берилган. 1953 йилда колхозлар пенсиялари ҳақидаги низом қабул қилинганидан сўнг, баъзи колхозларда меҳнатга пул билан ҳақ тўлаш тизимига ўтилиши муносабати билан колхозларда пул кўринишидаги пенсиялар белгилана бошлаган [5. В. 141].

1964 – 1965 йилларда пенсия таъминоти соҳасида айниқса катта ўзгаришлар рўй берди. 1964 йил 31 декабрда СССР Олий Совети Президиумининг “I ва II гуруҳ ногиронлар ҳамда боқувчисидан ажралиб қолган оилалар оладиган пенсияларнинг минимал миқдорини ошириш тўғрисида” Қарори қабул қилинди [2. Б. 400].

Ўзбекистон қишлоқларидаги колхозларда пенсиянинг ўртача ойлик ҳажми колхозларнинг иқтисодий аҳволидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Бой колхозларда пенсиялар ҳажми юқорироқ бўлган. Масалан, Деҳқонобод районидаги барча колхозларда пенсияларнинг ўртача ойлик ҳажми кексалик бўйича 20 рубл 30 тийин, ногиронлик бўйича 19 рубл 10 тийин, боқувчисини йўқотган оилага 24 рубл миқдорида белгиланган. Бу республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори ойлик пенсия ҳисобланган. Фарғона, Тошкент вилоятининг баъзи колхозларида кексаларга 3 рублгача

пенсия тайинланган. Андижон вилоятида 5 рублдан 40 рублгача, Фарғона вилоятида 3 рублдан 8 рублгача, Самарқанд вилоятида 5 рублдан 35 рублгача, Бухоро вилоятида 4 рублдан 16 рублгача, Хоразм вилоятида 4 рублдан 50 рублгача, Қорақалпоғистон АССРда 3 рублдан 25 рублгача пенсия тўланган. Пенсияларнинг вақтида тўланиши колхозларнинг моддий аҳволи билан боғлиқ бўлган [5. В. 81].

Фарғона водийсидаги вилоятларда пенсия тайинлашга оид масалалар юзасидан аҳоли томонидан турли мазмундаги ариза ва шикоятлар келиб тушган. Жумладан, 1962 йил январидан 1963 йил январигача Фарғона вилоят ижтимоий таъминот бўлимига жами 1238 та шикоят ва аризалар келиб тушган бўлса, улардан 268 таси ногиронлик нафақаси бўйича, 323 таси ишга жойлаштириш, протез ва моддий ёрдам бўйича, 482 таси пенсия масалалари бўйича, 9 таси давлат нафақалари бўйича тушган. Энг кўп ариза ва шикоятлар Фарғона (140) ва Марғилон (143) шаҳарларидан келиб тушган. Районлар ичида Бағдод райони (62), Поп райони (55), Олтиариқ райони (47 та) аҳолисидан энг кўп ариза ва шикоятлар келиб тушган. Умуман олганда, пенсия масалалари бўйича шаҳар аҳолисидан 253 та, қишлоқ аҳолисидан 229 та шикоят ва аризалар берилган [4. Б. 100 – 101]. Шу вақт оралиғида Андижон вилояти аҳолисидан 1859 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Улардан 599 таси пенсия белгилаш, 263 таси пенсия тўлашни бекор қилиш ҳақида, 48 таси пенсияни тиклаш ҳақида, 166 таси ногиронлик нафақаси бўйича, 133 таси протез масаласи бўйича, 62 таси ишга жойлаштириш масаласи бўйича, 8 таси кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақа тайинлаш бўйича, 244 таси моддий ёрдам ва даволаш курси бўйича, 336 таси турли масалалар бўйича берилган. Бу аризалардан 1330 таси 10 кун давомида, 330 таси 20 кун давомида, 122 таси 30 кунгача, 23 таси 1 ойдан ошиқ вақт мобайнида кўриб чиқилган, кўрилмай қолган ишлар 15 тани ташкил этган. 558 та ариза ва шикоят қониқарли ҳал қилинган, 732 та ариза рад этилган, 548 та ариза бўйича тушунтириш берилган [5. В. 117]. Наманган вилояти ижтимоий таъминот бўлимига 1972 йилда 521 та, 1973 йилда 380 та, 1974 йилнинг биринчи ярмида 194 та ариза келиб тушган [6. В. 580].

1962 йилда Фарғона вилояти дам олиш уйлари ва санатория-курортда даволаниш учун 280 нафар пенсионерга йўлланма берилган [5. В. 133]. Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат ногиронларидан 70 нафари мотоколяска, 28 нафари эса велоколяска билан таъминланган. Шунингдек, имтиёзли ногиронларга қўл бошқарувига асосланган “Москвич”, “Запорожец” маркали автомобиллар берилган [5. В. 134]. 1962 йилда машиналарнинг бериши ундан олдинги йилга нисбатан икки баробар кўп бўлиб, 1961 йилда бундай машиналардан 16 та ажратилган [5. В. 141]. 1962 йилда 3620 нафар она мукофотланиб, улардан 18 нафарига 10 та ва ундан ортиқ болаларни дунёга келтириб тарбиялагани учун “Қаҳрамон она” унвони берилган. 1957 йилдан 1962 йилгача Фарғона вилоятида 112 нафар она “Қаҳрамон она” унвонига сазовор бўлган ва шу номдаги орден билан тақдирланган [5. В. 134].

1964 йили VII чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида қабул қилинган колхозчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун 1965 йил 1 январдан кучга кирди. Шу қонунга биноан, қишлоқ меҳнаткашларидан 380 мингдан ортиғи пенсия ола бошлади. Бу мақсадлар учун қилинган харажатлар 1965 йилнинг ўзида 277 миллион рублни ташкил этди [2. Б. 400].

Қонуннинг кучга кириши натижасида Фарғона водийси қишлоқларида ҳам пенсионерлар сони ортиб борди. Жумладан, Фарғона вилояти Охунбобоев райони “Ленин” номли колхозда 1689 киши ишлаган бўлиб, 1966 йилда колхозчиларнинг бир кунлик ўртача иш ҳақи 4 рубл 43 тийин бўлган. Колхозда 736 киши пенсия олган бўлса, улардан 697 таси кексалик бўйича пенсия олган. Кексалик бўйича пенсиянинг ўртача миқдори 17 рубл 23 тийинни ташкил қилган [7. В. 10]. “Оқолтин” колхозида 1966 йилда 2987 нафар колхозчи ишлаган бўлса, уларнинг бир кунлик ўртача иш ҳақи 3 рубл 39 тийинни ташкил этган. Колхоз аъзоларидан 826 нафари пенсионер бўлиб, улардан 786 нафари кексалик пенсиясини олган ва пенсиянинг ўртача ҳажми 13 рубл 47 тийинни ташкил этган [7. В. 11]. 1966 йилда “Совет” колхозида жами 1068 нафар колхозчи ишлаган бўлса, уларга бир кунда ўртача 2 рубл 95 тийин иш ҳақи белгиланган. Колхоздаги 438 нафар пенсионердан 410 нафари кексалик пенсиясини олган ва уларнинг ўртача пенсия миқдори 13 рубл 48 тийин бўлган [7. В. 11]. Пенсия тайинлашда колхозчиларнинг меҳнат дафтарчаси, қишлоқ хўжалик советларининг ведомостлари ва хўжалик дафтарлари маълумотларига асосланилган. Бунда “Ленин” номидаги иқтисодий жиҳатдан анча кучли бўлган колхоз, ўрта қувватга эга бўлган “Оқ олтин” колхози ва ўртача даражадан паст бўлган “Совет” колхози намуна сифатида олинган.

1968 йил январида Андижон вилоятида 67450 киши, Наманган вилоятида 41925 киши колхоз пенсиясини олган [7. В. 94]. Андижон вилоятида колхозчиларнинг ўртача пенсия миқдори 13 рубл 62 тийинни, энг юқори кексалик пенсияси 61 рубл 31 тийинни ташкил этган [7. В. 102].

Таъкидлаш жоизки, бу йилларда колхозларнинг ҳаммасида ҳам меҳнат дафтарчалари талаб даражасида тўлдирилмаган. Жумладан, 1967

йилда Бағдод районидаги “Москва” колхозида меҳнат дафтарчаларига колхозчиларнинг меҳнат стажи, иш ҳақи киритилмаган ва керакли имзолар қўйилмаган. Худди шундай ҳолатни “Пахтакор”, “Ленинизм”, “Победа” колхозларида ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, Риштон районидаги “Куйбишев”, “Калинин” колхозларида, Олтиариқ районидаги “XXII партсъезд” колхозида ҳам шундай вазиятлар мавжуд эди. Бу камчиликлар колхозчиларнинг пенсияга чиқишида маълум қийинчиликлар туғдирган [7. В. 134].

Жойларда пенсияларни расмийлаштириш ва беришда қатор камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, 1979 йилда Наманган вилояти Учқўрғон, Поп, Косонсой районларининг баъзи колхозларида пенсия расмийлаштиришда иш стажи, маош миқдори ва кохозчининг ёши тўғрисидаги маълумотлар нотўғри кўрсатилган. Шунингдек, пенсия бериш муддатлари бузилган ҳолатлар кўп учраган. Масалан, 1979 йилда Наманган райони колхозларида 40 нафардан ошиқ колхозчига пенсия тайинланиши 2 ойдан 6 ойгача кечиктирилган. Худди шундай ҳолатлар Чуст, Задарё, Тўрақўрғон районлари колхозларида ҳам учраган. Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Уйчи районлари ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан пенсиялар ва нафақаларни белгилашда сансалорликка ва қоғозбозликка йўл қўйилган. Наманган районидаги Ленин ва Тельман номидаги колхозларда, Уйчи районидаги “Ленинград” колхозида, Тўрақўрғон районидаги Киров номли, “Москва” ва “Ўзбекистон” колхозларида, Норин райони Октябрь колхозида нафақалар бериш 2 ойгача кечиктирилган. Тўрақўрғон райони Калинин номидаги колхоз ва Наманган район “XXII партсъезд” колхозларида 1979 йил май ойида 730 нафар онага нафақалари вақтида тўланмаган. Бундан ташқари, пенсия ва нафақаларни почта ходимлари томонидан вақтида етказиб бермаслик ҳолатлари ҳам учраб турган. Жумладан, 1978 – 1979 йилларда Наманган вилояти колхозларида пенсия ва нафақаларнинг аксарияти вақтида етказиб берилмаган. Шунингдек, ногиронларнинг протез ва ортопедия маҳсулотлари ва транспорт воситалари билан таъминланиши ҳам яхши йўлга қўйилмаган эди [8. В. 108].

Наманган вилоятининг баъзи колхозларида кам таъминланган оилаларга нафақа тўлаш асоссиз равишда тўхтатиб қўйилган. Баъзи колхозларда нафақа тўлаш 2 ойга кечиктирилган. Колхозчиларни пенсия билан таъминлашдаги жиддий нуқсонлардан бири – пенсия тайинлашда уларнинг меҳнат стажидан қатъи назар барчасига бир хил сумма (10 – 15 рубл миқдорида) белгиланган [8. В. 115].

Колхоздаги ногиронларни транспорт воситалари билан таъминлашда берилган машиналарнинг аксариятидан умуман фойдаланиб бўлмаган, улар носоз бўлган. Жумладан, 1978 йилда 30 та носоз машина берилган бўлса, 1979 йилнинг биринчи ярмида 23 та яроқсиз машина Наманган вилояти колхозларига жўнатилган эди [8. В.116].

Ўрганилаётган даврда Фарғона водийси қишлоқларида даромад миқдори оила аъзоларига ўртача 50 сўмдан кам бўлган оилаларга нафақалар берилган. Наманган вилояти Наманган районидаги “Ленинград” колхози 1975 йил ноябрдан даромади оз бўлган 220 хўжаликдаги 656 болага икки ойнинг ўзида 7872 рубл нафақа берилган. 20-бригада аъзоси Тожихон Машраббоева, 15-бригада аъзоси Мавлуда Мамажонова, 14-бригада аъзоси Мавлуда Ғаффороваларнинг 9 тадан фарзанди бўлиб, уларнинг ўртача ойлик даромади 50 сўмдан кам бўлгани учун 8 ёшгача бўлган фарзандларига ойига 60 сўмдан нафақа ола бошлаганлар [9. Б. 248]. Натижада колхоздаги кам даромадли оилаларининг турмуш даражаси аввалгига нисбатан анча яхшилаган.

1983 йил охирларида 1 ёшгача фарзанди бўлган 36 минг нафар аёл колхозчига нафақа бериш йўлга қўйилган. Жумладан, Фарғона вилояти колхозларида 9,4 минг, Андижон вилояти колхозларида 5,8 минг, Наманган вилояти колхозларида 4,8 минг, Тошкент вилояти колхозларида 3,5 минг аёлга шундай нафақа белгиланган эди [10. В. 39].

Республикада йилдан-йилга маҳаллий аҳамиятга эга бўлган шахсий (персонал) пенсия олувчилар ҳам кўпайиб борди. 1978 йилда бундай пенсионерлар сони 1786 та бўлган бўлса, 1983 йил 1 июлига келиб уларнинг сони 10242 кишини ташкил қилди. 1979 – 1981 йилларда маҳаллий аҳамиятдаги шахсий пенсияларнинг ўртача миқдори 18 фоизга оширилиб, унинг энг юқори миқдори 80 рублдан 110 рублга етказилди [10. В. 220]. Айни пайтда маҳаллий аҳамиятдаги шахсий пенсияларни белгилашда республиканинг турли вилоятларида турлича ёндашилган. Масалан, Самарқанд вилоятида 30 йиллик партия стажига эга бўлганлар шахсий пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган. Наманган ва Андижон вилоятларида бундай стажга эга бўлган кишилар персонал пенсия олиш ҳуқуқига эга эмас эди. Улар бундай пенсия олиш учун 40 – 50 йиллик партия стажига эга бўлиши лозим эди.

Шахсий пенсия олиш ҳуқуқини берувчи лавозим ва хизматлар рўйхати ҳам вилоятларда турлича бўлган. Масалан, Сурхондарё вилоятида партиянинг шаҳар ва район комитети инструктори, шаҳар ва район газеталари муҳаррирлари ўринбосарлари, совхоз ва колхозлар партия комитетининг котиблари лавозимларида 10 йилдан ортиқ ишлаган бўлса, шахсий пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ Андижон ва Фарғона вилоятларида

мазкур лавозимлар шахсий пенсия тайинлаш рўйхатига киритилмаган. Фақат Наманган вилоятида ушбу рўйхатга бош агрономлар, бош муҳандислар, шунингдек, совхозларнинг бўлим бошлиқлари киритилган. Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларида бу рўйхатда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган шахсий пенсия олиш ҳуқуқини берувчи амалдорларнинг қанча муддат ишлаши зарурлиги аниқ кўрсатилган. Ушбу ҳолат республиканинг турли районларида яшаган ва бир хил хизмат кўрсатган кишиларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлардан бир хилда фойдалана олмаганлигини кўрсатади [10. В. 221]. Шунинг учун ҳам шахсий пенсия олувчи кишиларнинг миқдори республика вилоятларида турлича эди. 1983 йил 1 июлида республикада шахсий пенсиялар 10249 нафар пенсионерга белгиланган бўлиб, бу кўрсаткич жами пенсионерларнинг 1 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич Наманган вилоятида 2,1 фоизни, Бухоро ва Хоразм вилоятида 1,7 фоизни, Андижонда 0,9 фоизни, Навоий ва Сурхондарё вилоятида 0,7 фоизни, Сирдарё вилоятида 0,4 фоизни ташкил этган. 1982 йилдан республиканинг турли вилоятларида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган шахсий пенсияларнинг ўртача ҳажми 71 рублдан 93 рублгача бўлган [10. В. 222].

Аммо шуни айтиш керакки, Фарғона водийси қишлоқлари аҳолисига белгиланган пенсия ва нафақалар миқдори киши бошига ҳисоблаганда, мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан жуда паст бўлган ва уларнинг олган пенсиялари тирикчилик ўтказиш учун базўр етиб турган. Жумладан, 1971 – 1975, 1976 – 1980, 1981 – 1985 йиллар ва ундан кейинги бир неча йил мобайнида ҳам республика 9 миллион аҳолисининг оладиган маоши 75 сўмдан кам бўлган, ногиронлар, қариялар, ёш болалар, умуман, ўзини ўзи боқа олмайдиган, жон бошига 50 сўмдан кам даромад олаётганлар сони 5 миллиондан кўп, яъни республика аҳолисининг деярли 50 фоизи яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдордан (81 сўм) камроқ даромад билан кун кечириб келмоқда эдилар [11. Б. 43 – 44].

Шунингдек, республика ижтимоий истеъмол фонди ҳисобидан бериладиган тўлов ва имтиёзларнинг СССРдаги ўртача даражадан анча пастлиги ҳам мавжуд аҳволни янада оғирлаштирган эди. Чунончи, бу имтиёзлар 1970 йилда СССР бўйича ўртача ҳар бир киши учун 263 рублни, 1980 йилда 441 рублни, 1986 йилда 547 рублни ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда 1970 йилда 191 рублни, 1980 йилда 310 рублни, 1986 йилда эса 365 рублни ташкил этган [12. Б. 125].

Бу ҳолат республика қишлоқ аҳолиси ўртасида кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолида ҳам бир қатор камчилик ва муаммоларни келтириб чиқарган. Қуйидаги жадвалда Андижон вилояти аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли бўйича статистик маълумотлар келтирилган:

1-жадвал

Андижон вилоятида озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш [3. Б. 106]
(бир йилда килограмм ҳисобида)

Маҳсулотлар	1980	1985	1987	1980 йилга нисбатан 1987 йилдаги ўсиш суръати	Истеъмолнинг оқилона нормасига нисбатан
Гўшт, гўштга айлантириб ҳисобланган гўшт маҳсулотлари (натура шаклидаги ёғ ва калла-поча)	22,7	21,7	17,2	0,76	20,7
Сут ва сут маҳсулотлари	153,0	91,7	94,6	0,61	20,0
Тухум (дона)	51.0	49,0	60,0	117,6	20,6
Қанд	12,1	12,2	13,6	120,6	35,0
Ўсимлик мойи	15,0	13,8	12,3	0,82	135,1
Картошка	24,3	25,5	27,1	111 ,5	27,8
Сабзавот	100,1	98,0	78,1	0,78	53,4
Нон ва нон маҳсулотлари	196,0	161,9	188,6	0,96	170,9

Жадвалдан кўриниб турибдики, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш истеъмолчининг асосий овқатланиш рациони ҳисобланади. Ҳатто йил бўйи етиштирилиши мумкин бўлган сабзавотни истеъмол қилиш истеъмол оқилона даражасининг 53,4 фоизини ташкил қилган. Юқори қувватли маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳатто истеъмол зарур даражасининг тўртдан бир қисмини ҳам ташкил қилмайди. Тўйимли рационнинг камлиги барча аҳолининг, шу жумладан, меҳнат

ресурсларининг умумий физиологик ҳолатига ҳам салбий таъсир этган. Бу ҳолнинг сабабларидан бири, назаримизда, фақат маҳсулотнинг ана шу турлари етишмаслигида эмас, балки оиланинг даромади даражаси пастлигидадир. Бунинг оқибатида эҳтиёж биринчи навбатда зарур бўлган маҳсулотлар, яъни нон ва нон маҳсулотлари ҳисобига қондирилган [3. Б. 105-106].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 1960 йиллардан бошлаб республикада аҳоли учун пенсия ва нафақалар миқдори ошиб борган бўлса-да, бутун республикада кузатилганидек, Фарғона водийсидаги қишлоқ аҳолисига берилаётган пенсиялар, кам даромадли оилаларга, кўп фарзандли оилаларга тайинланган нафақалар СССР-даги ўртача кўрсаткичнинг деярли ярмини ташкил этган, холос. Шунингдек, колхозчиларга тайинланган пенсиялар миқдори бошқа соҳадаги кишиларга белгиланган пенсиялардан анча кам бўлган. Шунинг учун ҳам қишлоқ аҳолиси ушбу ҳолатдан норози бўлиб, турли давлат идораларига шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиб турган. Бу орқали 1960 – 80-йилларда меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламининг ночор аҳволда яшаганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Қишлоқ аҳолиси кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотларни (гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, сабзавот ва бошқалар) уларнинг зарурий миқдоридан анча кам истеъмол қилган ва бу ҳол уларнинг даромадлари билан бевосита боғлиқ эди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловасида келтирилган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” // http://strategy.regulation.gov.uz

2. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўртинчи том. Социализм қуришни тугаллаш даври ва коммунизмга ўтиш даври (1938 – 1965 йиллар) / Бош муҳаррир: И.М.Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971. – 624 б.

3. *Эгамов Э., Меҳмонов С.* Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити: муаммо ва ечимлар. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – 144 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), Р-96 фонд, 2-рўйхат, 1805-иш.

5. ЎзР МДА, Р-96 фонд, 2-рўйхат, 1811-иш.

6. ЎзР МДА, Р-837 фонд, 41-рўйхат, 3454-иш.

7. ЎзР МДА, Р-96 фонд, 2-рўйхат, 2143-иш.

8. ЎзР МДА, Р-837 фонд, 41-рўйхат, 4803-иш.

9. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очерклар / Таҳрир ҳайъати: Аминова Р.Ҳ. ва бошқ. Китоб 6. – Тошкент: Ўзбекистон. 1977. – 414 б.

10. ЎзР МДА, Р-93 фонд, 15-рўйхат, 5226 а-иш.

11. *Бобожонова Д.* Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70–80-йиллар мисолида): Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.

12. Узбекская ССР в цифрах в 1988 году. Краткий статистический сборник 1988 году. – Тошкент: Узбекистан, 1989. – 182 с.

SOCIAL SECURITY ISSUES IN THE VILLAGES OF THE FERGHANA VALLEY (1960 – 1980)

E.A.Tazhimirzaev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1(45). 58 – 64.

[1]*Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail:* agsu_info@edu.uz

Keywords: *social security, pension, pensioner, allowance, district, village, food, collective farm, state farm, income.*

Social security is one of the human rights and consists of activities and programs aimed at lifelong protection of a person and poverty alleviation. Social security includes child benefits, maternity benefits, unemployment benefits, sickness benefits, survivors, and old-age pensions. Studying the issues of social protection of the population from the point of view of historiography has always been relevant in various countries and the issues of implementing social protection in national republics during the years of Soviet power are also of interest to researchers.

In the 60s of the twentieth century, the number of social funds grew in Uzbekistan. This ensured a constant increase in the cost of free medical care, the payment of pensions and various benefits, the provision of paid leave and the like. In particular, in July 1958, a new law on state pension provision was adopted, and on the basis of this

law, the number of pensioners increased significantly in Uzbekistan. According to the Law, the time for caring for a child of unemployed women of the families working on the collective farms, state farms and other organizations began to be credited to their seniority.

In 1962, large funds were allocated in Uzbekistan from social assistance funds to invalids of World War II, elderly collective farmers, families of those killed in the war, orphans and collective farmers. At the expense of these cash desks, houses for retired collective farmers were built and repaired.

In 1964-1965, great changes took place in the field of pension provision. On December 31, 1964, the Decree of the Presidium of the Supreme Soviet of the USSR "On raising the minimum pension for people with disabilities of groups I and II and families who have lost their breadwinner" was adopted. However, when assigning pensions to the rural population of Uzbekistan, the average monthly pension was determined based on the economic condition of the collective farms. In wealthy collective farms, pensions were higher. The most important thing was that when counting per capita, the amount of pensions and allowances granted to the rural population of the Ferghana Valley was significantly lower than the average in the USSR and barely enough for a living. Significantly low compared with the average level in the country, the size of payments and benefits allocated from the social consumption fund of the republic had a negative impact on the living standards of the population.

In general, since the 1960s, although the size of pensions and allowances to the population in Uzbekistan has gradually grown, as is observed throughout the republic, in the villages of the Ferghana Valley, pensions, benefits for low-income families and large families, have only half of the average in the USSR. In a word, the size of pensions granted to collective farmers was much less than the pensions granted to citizens of other fields. For this reason, the rural population, dissatisfied with this state of affairs, applied to state institutions with statements and complaints.

References

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi 4947-sonli Farmonining 1-ilovasida keltirilgan "2017 – 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi"* [Strategy of Action for the Five Priorities of Development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021, listed in Annex 1 to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017. No 4947]. http://strategy.regulation.gov.uz

2. Muminov, I.M. (ed.) (1971) *O'zbekiston SSR tarixi. To'rtinchi tom. Sotsializm qurishni tugallash davri va kommunizmga o'tish davri (1938-1965 yillar)* [History of Uzbek SSR. The fourth roof. The era of completing the construction of socialism and the transition to communism (1938-1965)]. Tashkent: Fan.

3. Egamov, E., Mehmonov, S. (1991) *Qishloq aholisining turmush sharoiti: muammo va yechimlar* [Rural Livelihoods: Problems and Solutions]. Tashkent: Mehnat.

4. *O'zbekiston Respublikasi Markaziy Davlat arxivi* [Central State Archive of the Republic of Uzbekistan (CSA of the RU)], Fund- R.96, List-2, Folding Volume-1805].

5. CSA of the RU, Fund- R.96, List-2, Folding Volume-1811.

6. CSA of the RU, Fund- R.837, List-41, Folding Volume-3454.

7. CSA of the RU, Fund- R.96, List-2, Folding Volume-2143.

8. CSA of the RU, Fund- R.837, List-41, Folding Volume-4803.

9. Aminova, R.H. (ed.) (1977) *O'zbekiston kolxoz va sovxozlari tarixi. Ocherklar Kitob 6.* [History of collective and state farms in Uzbekistan. Essays. Book 6.]. Tashkent: O`zbekiston.

10. CSA of the RU, Fund- R.93, List-15, Folding Volume-5226.

11. Bobojonova D. (1999) *O'zbekistonda ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar (70–80-yillar misolida)* [Socio-Economic Relations in Uzbekistan (Example 70-80)]. A Handbook for Teachers of Secondary Schools. Tashkent: Sharq.

12. *Uzbekskaya SSR v sifrax v 1988 godu. Kratkiy statisticheskiy sbornik 1988 godu* [Uzbek SSR in ciphers in 1988. Brief statistical compilation 1988]. Tashkent: Uzbekistan.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Тажимирзаев Элёрбек Акрамович – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: tojimirzayev1984@mail.ru